

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Йўлқурилиш” АЖ
Кузатув кенгашининг
2023 йил “21” сентябр даги
03 -сон мажлис қарорига
1-илова

“ЙЎЛҚУРИЛИШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
АХЛОҚ КОДЕКСИ

Тошкент-2023 й.

1. Умумий қоидалар

1.1. “Йўлқурилиш” АЖнинг ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда - ахлоқ қоидалари) “Йўлқурилиш” АЖ (кейинги ўринларда - жамият) ходимларининг касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилайди.

Ахлоқ қоидалари жамиятда юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгида давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда жамият ходимларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

1.2. Ушбу Сиёсатда қуйидаги асосий таърифлар қўлланилади:

Кодекс – мазкур Ахлоқ кодекси.

Контрагент – жамият билан шартномавий муносабатга киришадиган ҳар қандай жисмоний (ишчи-ходимлар бундан мустасно) ва/ёки юридик шахс (жумладан, унинг филиал ва/ёки ваколатхонаси).

Махфий маълумот – олиш, қайта ишлаш, топшириш ёки улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки маълумот эгасининг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ чекланган ҳар қандай шаклдаги маълумот, жумладан:

– давлат сири – давлат томонидан муҳофаза қилинадиган ва махсус рўйхатлар билан чекланган Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим, ўта махфий, ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва бошқа турдаги маълумотлари;

– тижорат сири – илмий-техник, технологик, ишлаб чиқариш, молиявий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда тижорат қийматига эга маълумот бўлиб, маълумот эгаси унинг қонуний асосда эркин фойдаланиш имкони бўлмаган учинчи шахсларга номаълум бўлганлиги сабабли махфийлигини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

– хизмат сири – фан, техника, қурилиш, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳаларидаги маълумотлар бўлиб, уларни ошкор қилиш жамият манфаатларига зиён етказиш ҳолати.

Манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг шахсий манфаатдорлиги (бевосита ёки билвосита) унинг лавозим ёки хизмат мажбуриятларини тегишли равишда бажаришига таъсир қилади ёки таъсир қилиши мумкин бўлган вазият бўлиб, унда ходимнинг шахсий манфаатдорлиги ва жамиятнинг қонуний манфаатлари ҳамда ҳуқуқлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келиши ҳолати.

Шахсий манфаатдорлик – ходимнинг у ва/ёки унинг яқин қариндошлари томонидан пул маблағлари, мол-мулк, хусусан, мулкка эгалик ҳуқуқи, мулккий характердаги хизматлар, бажарилган ишларнинг натижалари ёки бошқа бирон-бир фойда (афзалликлар) олиш имконияти билан боғлиқ манфаатдорлик.

Коррупцион ҳаракатлар:

– ноқонуний равишда давлат мансабдор шахсига (пора, порахўрлик), тижорат ташкилоти вакилига (тижорат учун пора бериш ва/ёки олиш) ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун таъсир

кўрсатиш ёки лавозим мажбуриятларини тегишли даражада бажармаслигига ундаш ва/ёки жамият учун, жумладан, тегишли бўлмаган тижорат устуворлигига эришиш мақсадида фойдани таклиф қилиш, ваъда бериш, рухсат бериш, ўтказиш;

– расмийликни камайтириш учун тўловни амалга ошириш;

– ўз мансаб ваколатларидан ноқонуний фойдаланиш, хизмат мавқеини, ваколатларини суистеъмол қилиш, шунингдек, ходимнинг ўз мансабидан жамият қонуний манфаатларига қарши ноқонуний фойдаланиши, жумладан, ўзи ёки учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида бошқа шахслардан ноқонуний фойда олиш ёки олишга розилик бериш, талаб қилиш, ундириш ёки сўраш;

– пора олишда ёки тижоратда ўз томонига пора билан оғдириш учун воситачилик қилиш, хусусан, ноқонуний фойдани олувчига етказиш ёхуд етказувчига ёрдам бериш, ноқонуний фойда олиш ва бериш тўғрисида у билан келишувга эришиш ва амалга ошириш;

– коррупция ёки уни содир этишга олиб келувчи, жумладан, манфаатлар тўқнашувини намоён қилувчи ҳаракат/ҳаракатсизлик.

Давлат органлари, корхона ва муассасалари – давлат ҳокимияти органлари (вазирликлар, давлат кўмиталари, хизматлари, агентликлари, марказлари, инспекциялари, давлат компаниялари, концернлари), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, давлат томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган юридик шахслар.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг ахлоқ қоидалари – давлат фуқаролик хизматчилари томонидан риоя этилиши шарт бўлган ахлоқ нормалари мажмуи.

Ходимлар – ушбу Кодекснинг мақсадларидан келиб чиқиб, ушбу атама меҳнат шартномалари (фуқаровий хизмат кўрсатиш шартномаси) асосида ўз лавозим мажбуриятларини бажараётган жамият ходимларини назарда тутди.

Яқин қариндошлар – ходим билан қариндошлик алоқасида бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, турмуш ўртоқ, фарзандлар, жумладан, асраб олинганлар, бува, буви, набиралар, шунингдек, турмуш ўртоқнинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

1.3. Мазкур Кодексда қўлланган, лекин изоҳи келтирилмаган атамалар жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қандай маънода қўлланган бўлса, шу маънода ишлатилади.

2. Ахлоқ кодексининг тамойиллари.

2.1. Жамият ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги тамойиллар асосида амалга ошириши шарт:

қонунийлик;

Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат ва жамият манфаатларига содиклик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;

хизмат сирини қатъий сақлаш;

мансаб ваколатларини суиистеъмол қилмаслик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

2.2. Жамият ходимлари ўз ваколатларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Ахлоқ қоидаларига ва жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички меъёрий ҳужжатларига амал қилади.

3. Ахлоқ кодексининг мақсадлари

3.1. Мазкур Кодекс қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

– Жамият ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини бажариш жараёнида ахлоқ қоидаларини тизимлаштирувчи норматив ҳужжатни яратиш;

– Жамият ходимлари учун муносиб касбий ва ахлоқий талабларни жорий этиш;

– Жамиятда жамоавий маданиятни ривожлантириш ҳамда ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳитини яратиш;

– Жамиятининг ахлоқ қоидалари билан жисмоний ва юридик шахсларни таништириш ва улардан ҳамкорлик доирасида ахлоқ қоидаларига амал қилишни тартибга солиш;

– Жамият ва ходимларининг адолатли иш юритиши ва ҳалол ҳамкор сифатидаги расмий нуфузини шакллантириш ва мустаҳкамлаш.

3.2. Жамият ходимларнинг ўз хизматини ҳалол, шаффоф ва виждонан бажаришига бўлган юқори талабларни қўллаш мақсадида мазкур Кодекс қабул қилинади.

3.3. Кодекс ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни содир этилиши сабаб ва шароитларини бартараф этишга, ходимларда юксак ҳуқуқий онгни тарбиялашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат қилишга ҳамда юқори касбий ва ахлоқий талабларини ривожлантиришга йўналтирилган.

4. Жамият ходимлари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда ҳуқ-атворнинг қуйидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим.

4.1. Ходимлар эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар қуйидаги қоидаларга амал қилиши лозим:

– давлат хизматининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;

– лавозим мажбуриятларини зарур даражадаги касбий салоҳият ва виждонан бажариши, ўз малакасини мунтазам ошириб бориш;

– ҳамкасблар билан ўзаро самарали билим алмашиш ҳамда иш юзасидан юқори даражада мулоқот олиб бориши, мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;

– лавозим Йўриқномаларида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган ваколати доирасида ҳаракат қилиш;

– ҳушмуомалалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;

– масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;

– юқори турувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг ваколатлари доирасида қабул қилинган (берилган) қарорлар (топшириқлар)ини ўз муддатида ҳамда сифатли бажариш;

– меъёрий-ҳуқуқий ва ички меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилган чеклов ҳамда тақиқларга, жумладан, коррупцион ҳаракатларга чек қўйиш;

– умумий ахлоқ қоидалари ҳамда Ахлоқ Кодексига ишдан ташқари вақтда ҳам амал қилишлари лозим. Жумладан, оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

– фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан катъий назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;

– жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

4.2. Жамият раҳбарияти ва таркибий бўлинма бошлиқлари қуйидагиларга мажбурдирлар:

– мазкур Кодексга амал қилишда ўрнатилган бўлиш;

– юксак касбий салоҳият, виждонлилик ва адолатда намуна бўлиш;

– жамиятда юксак касбий салоҳият, виждонлилик ва адолат билан тавсифланадиган жамоавий маданиятни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

– ходимларнинг Кодекс билан танишиш ва тушунишларини таъминлаш;

– ходимларга, уларнинг савол, таклиф ва шикоятларига эътиборли бўлиш, ушбу Кодексга доир ҳамда ходимларнинг лавозим мажбуриятларини бажариши жараёнида юзага келадиган саволларига жавоб бериш.

5. Касбий маданиятга оид умумий ахлоқ қоидалари

5.1. Жамият ходимлари хизмат фаолияти давомида қуйидагиларга мажбур:

фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;

ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар билан мулоқотда ҳушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффоқликни таъминлаши;

давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;

ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, жамият ходимлари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир муқофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;

давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;

аҳолининг давлат хизматлари истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувофиқ доимий равишда фаолият сифатини ошириб бориш чораларини кўриши;

қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

касб этикаси ва ишчанлик услубига риоя этиши;

сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак.

5.2. Жамият ходимлари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда бирон бир партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиш ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

6. Жамиятда хизмат фаолиятига оид ахлоқ қоидалари

6.1. Жамият ходимлари хизмат фаолияти давомида қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;

мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содиқ бўлиш;

ташки сиёсат соҳасида давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмийчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

юқори давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларга бирон-бир шахс, гуруҳ ёки идоралар манфаати нуқтаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик;

ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;

жамият ходимлари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўриладиган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равишда бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни қамситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;

давлат сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошқор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишда фойдаланмаслик;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

бириктирилган хизмат компьютери ҳамда электрон ташувчиларидаги хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга ошириладиган ислоҳотларга нисбатан одамларда ишончсизлик қайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирмаслик;

фуқаролар ва ҳамкасбларининг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, иғво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

меҳнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини конунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда конуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

меҳнат жамоасида ишчанлик муҳитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиши;

меҳнат жамоасида ҳамкасбларининг шаъни ва кадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан тийилиши керак.

6.2. Раҳбарлар қуйидагиларга мажбур:

бўйсунувидаги жамият ва унинг таркибидаги корхоналар ходимларига профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўрнатилган бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;

жамият ва унинг таркибидаги корхоналар ходимларини конунга ҳилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундамаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;

жамоада гуруҳбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

жамият ва унинг таркибидаги корхоналар ходимларининг фаолиятига баҳо беришда конуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;

жамият ва унинг таркибидаги корхоналар ходимлари томонидан коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

бўйсунувидаги жамият ва унинг таркибидаги корхоналар ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига холис, адолатли ва конуний ёндашиш.

6.2.1. Раҳбарлар бўйсунувидаги жамият ва унинг таркибидаги корхоналар ходимларига кўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбех бериши ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

7. Жамият ходимларининг хизматдан ташқари ахлоқ қоидалари

Жамият ходимлари ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган ҳуқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

Жамият ходимлари ишдан ташқари вақтда қуйидагиларга мажбур:

миллий урф-одат, кадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

дабдабабозлик, шухратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари давлат хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик;

жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортикча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда мансабдор шахслардан қимматбаҳо совға олмаслик;

хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини суиистеъмол қилмаслик;

хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятдан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;

шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш;

тизим корхоналаридан моддий ёки номоддий наф олмаслик, улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олмаслик;

давлат хизматига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш;

ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийиниш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортикча жалб қиладиган тарзда кийинмаслик.

8. Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид ахлоқ қоидалари

8.1. Жамият ўз фаолияти ҳақида очик манбаларда маълумот эълон қилишга (жумладан, ОАВда, жамиятнинг расмий веб-саҳифалари ва ижтимоий тармоқларда), шунингдек, унинг фаолиятига таъсир қилувчи ахборот ва вазиятларга шарҳ беришга ҳақли.

8.2. Жамият номидан бундай маълумотни, шарҳ ва баёнотни жамият раҳбарияти, Жамоатчилик ва оммавий-ахборот воситалари билан алоқалар бўлими, шунингдек, жамиятнинг бошқа ходимлари, келишилган ички тартиб асосида берилиши мумкин.

Мурожаат ва баёнотларга бериладиган жавобларни жамиятнинг Жамоатчилик ва оммавий-ахборот воситалари билан алоқалар бўлими мувофиқлаштиради.

8.3. Қуйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:

оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор бўлмаса;

оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса;

оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса;

жамият фаолиятига алоқадор бўлмаган маълумотни тарқатмаслик ва муҳокама қилмаслик, ўз номидан ҳам ҳеч қандай шарҳ бермаслик.

8.4. Давлат хизматида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан жамият ва таркибидаги корхоналар фаолиятига оид айблов ёки танқид билдирилган тақдирда, жамиятнинг Жамоатчилик ва оммавий-ахборот воситалари билан алоқалар бўлими ёки масъул ходимлари унга нисбатан билдирилган айблов ёки танқидга оммавий изоҳ ёхуд раддия бериши лозим.

8.5. Агар оммавий баёнотда фуқароларнинг шаъни ҳамда кадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, жамият ходими ўз фикрларининг янглишлиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига дахл қилинган фуқародан, агар қонун ҳужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сўраши шарт.

9. Жамият мулки ва маълумотларига муносабатлари билан боғлиқ ахлоқ қоидалари

9.1. Иш фаолияти давомида ходимлар эгаллаб турган лавозимлари ва юклатилган хизмат ваколатлари доирасида жамиятнинг, контрагент ва ҳамкорларнинг маълумотлари, шу жумладан, тижорат сирлари ва махфий маълумотлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Тижорат сирлари ва махфий маълумотларнинг ошкор бўлиши жамиятнинг, ҳамкорларнинг молия-ҳўжалик фаолиятига ва/ёки нуфузига зарар келтиришига ёхуд рақобатчилар ёки бошқа шахслар томонидан жамиятнинг зарари йўлида мақсадли фойдаланилишига олиб келиши мумкин.

жамият ўзи ва ҳамкорлари ва бошқа учинчи шахсларга тегишли махфий маълумотларнинг ноқонуний ошкор қилинишидан ҳимояланишга жиддий муносабатда бўлади, шу сабабли бундай маълумотларнинг айрим қисми фақат меҳнат фаолиятида зарур бўладиган ходимларга тегишлилиги бўйича тақдим қилинади.

Ходимлар учун юқоридаги тамойиллар ва қоидалар қуйидагиларни ифодалайди:

– турли хилдаги маълумотлар, хусусан, “давлат сирлари”, “тижорат сирлари” ва бошқа хизмат сирларига доир Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари асосида белгиланган маълумотлар билан ишлаш қоидаларига риоя қилиш;

– махфий маълумотдан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва жамият талабларига мувофиқ ўз хизмат мажбуриятлари ва ваколатларини бажариш жараёнида қатъий хизмат вазифаси доирасида фойдаланиш;

– бевосита хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ зарурат бўлмаса, жамиятнинг бошқа ходимлари билан махфий маълумотларни муҳокама қилмаслик;

– махфий маълумотларни оммавий жойларда муҳокама қилмаслик;

– зарурат бўлмаса, бевосита хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда фойдаланиш мумкин бўлган жамият фаолияти ҳақидаги маълумотни бирон-бир форматда ёзиб олиш, архив яратиш ва ҳар хил йўллар билан нусха олмаслик;

– жамият ёки унинг контрагентлари, ҳамкорлари ва бошқа шахсларнинг махфий маълумотларини учинчи шахсларга етказиш (жумладан, бир неча шахслар даврасига) мумкин эмас, амалдаги қонунчилик талабларига кўра, жамиятда белгиланган тартибда махфий маълумотни етказишга рухсат берилиши бундан мустасно;

– оммавий бўлмаган маълумотдан, яъни очик манбаларда эълон қилинмаган, жамиятдаги хизмат мажбуриятларини бажариш жараёнида олинган, жумладан, жамиятнинг ёки ўзгаларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш ва/ёки сотиш ҳақидаги маълумотларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;

– “Тоза стол” қондасига риоя қилиш, хусусан:

– иш жойини тарқ этаётганда компьютерни блоклаш ва портатив қурилмаларни (ноутбук, планшет, смартфон) ҳамда маълумот ташувчиларни (ташки HD-дисклар, flash-тўплагич, DVD/CD-дисклар в.б.) ишончли жойда сақлаш;

– маълумотни моддий ташувчиларни очик жойда қолдирмаслик, жамиятда ўрнатилган махфий маълумот, тижорат сирлари ва ҳужжатларни сақлаш қоидаларига амал қилиш;

– жамиятда ўрнатилган ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, шахсий пароллар хавфсизлигини таъминлаш (жумладан, ишчи компьютер, ноутбук, ички тизим, корпоратив сайт ва корпоратив банк карталарининг), уларни бошқа шахсларга айтмаслик, ёзиб олмаслик, паролларни автоматик сақлаш функциясидан фойдаланмаслик;

– электрон ахборот ва ресурслар билан ишлашда, хусусан, нотаниш манзиллардан ҳаволалар, файл ва иловаларни олишда эҳтиёткор бўлиш;

– жамиятда фақат муаллифлик ҳуқуқи бўлган дастурий таъминотдан фойдаланиш, жамиятнинг компьютер ва портатив қурилмаларига (ноутбук, планшет, смартфон) бошқа дастурий таъминотни ўрнатмаслик, жамиятнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларини инкор қилмаслик;

– махфий маълумот ёки тижорат сирини жамиятдан ишдан бўшагандан кейин ҳам жамият ва ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланган муддат давомида ошкор қилмаслик;

– хизмат мажбуриятларини бажаришда махфий маълумот ёки тижорат сирини ҳимоя қилишнинг тегишли чораларини кўриш ва унга эга бўлишнинг ҳар қандай мақсадли, тасодиқий ёки рухсатсиз ҳолатларининг олдини олишни назорат қилиш;

– маълумотни ҳимоя қилиш ёки фойдаланиш масалаларига доир шубҳа тугилса, бевосита ўз раҳбарига аниқлик киритиш учун мурожаат қилиш.

9.2. Жамият ходимлари контрагентлар, ҳамкорлар ва бошқа учинчи шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилади, уларнинг фаолияти ва шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор қилмайди ва ҳимоя қилади.

Ўз ходимлари, контрагентлари, ҳамкорлари ва бошқа учинчи шахсларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш доирасида жамият фақат молия-хўжалик фаолиятини юритиш ва ўз мажбуриятларини ижро этиши учун зарур бўлган тегишли маълумотларнигина йиғади ва қайта ишлайди, шунингдек, уларни ҳимоялаш бўйича қонуний талабларга риоя қилади.

Ходимлар учун юқоридаги тамойиллар ва қоидалар қуйидагиларни ифодалайди:

– бошқа ходимларнинг, шунингдек, контрагентларнинг, ҳамкорлар ва учинчи шахсларнинг шахсий маълумотларини қайта ишлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ жараёнда белгиланган қоида ва процедураларга амал қилади;

– хизмат мажбуриятларини бажаришда шахсий маълумотларни ҳимоя қилишнинг тегишли чораларини кўриш ҳамда ҳар қандай мақсадли, тасодифий ва рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш учун назорат қилади;

– жамият интеллектуал мулк ҳуқуқини қимматли манба деб тан олган ҳолда хусусий интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилади ва ўзгаларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқига ҳурмат билан муносабатда бўлади;

– жамиятдаги ҳар бир шахс интеллектуал мулк ҳуқуқидан рухсатсиз фойдаланишининг олдини олиш учун масъул ҳисобланади.

Шу жумладан:

– Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк ҳуқуқидан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларига амал қилиш;

– қонуний асос бўлмаса, жамият ва учинчи шахсларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқидан, хусусан, логотиплар, товар белгилари ва/ёки рамзлардан, фойдаланмаслик;

– ишлаб чиқаришга янги товар ва хизматлар жорий қилинганда ёки яратилганда интеллектуал мулк ҳуқуқи тегишли тарзда ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– интеллектуал мулк ҳуқуқлари қонунан ҳимоя қилинмагунча жамиятдан ташқарида янги ғоя ва/ёки лойиҳаларни ошқор қилмаслик;

– интеллектуал мулк ҳуқуқидан фойдаланиш ёки ҳимоя қилишда шубҳа туғилса, бевосита ўз раҳбарига аниқлик киритилишини сўраб мурожаат қилиш.

9.3. Жамият мулкчилиги ёки бошқа ҳуқуқлар асосида эга бўлган ва фойдаланадиган мулк фақат жамиятнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ҳамда унинг узоқ муддатли ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун мўлжалланган. Шу муносабат билан жамият ўз мол-мулкни ўғирликдан, кўкка соғуришдан, ишдан чиқишидан, йўқотишдан, ходимлар ва/ёки ўзгалар томонидан ноқонуний фойдаланиш ва суиистеъмолликлардан зарурий ҳимоя орқали таъминлашга интилади.

Ходимлар учун юқоридаги тамойиллар ва қоидалар қуйидагиларни ифодалайди:

– жамият мулкига масъулият ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, улардан қатъий ўз хизмат мажбуриятлари ва ваколатларини бажариш доирасида фойдаланиш;

– жамият мулкига путур етказиш, ноқонуний фойдаланиш ёки жамият учун йўқотиш эҳтимоли ва/ёки шаънига доғ тушишига олиб келадиган асосланмаган қарорларни қабул қилмаслик;

– жамияти офисларида ва ишлаб чиқариш жойларида ўрнатилган ускуналардан (жумладан, компьютерлар, нусхаловчи аппаратлар ва х.к.)

бевосита раҳбарни олдиндан огоҳлантирмасдан шахсий мақсадларда фойдаланмаслик;

– агар жамият ускунаси (жумладан, пароллар, ҳисоб рақамларининг реквизитлари ёки бошқа маълумотлар) йўқолса ёки ўғирланса, дарҳол жамиятнинг тегишли бўлимига хабар бериш;

– жамият мулки ишдан чиқса, сарфлаб юборилса ва бошқа суиистеъмолликларга йўл қўйилгани маълум бўлса, дарҳол жамиятнинг тегишли бўлимига бу ҳолатлар ҳақида хабар бериш.

10. Контрагентлар, ҳамкорлар ва учинчи шахслар билан ўзаро муносабат

10.1. Жамият контрагентлар, ҳамкорлар ва бошқа учинчи шахслар билан умумқабул қилинган бизнес юритиш қоидаларига, хусусан, қонунийлик, ҳалоллик, шаффофлик, ўзаро ҳурмат тамойилларларига асосан расмий муносабатларни ўрнатади ва олиб боради, шартнома мажбуриятлари ва бошқа келишувларни бажаради ва буни ўз контрагентларидан ҳам талаб қилади.

10.2. Жамият контрагентлар, ҳамкорлар ва бошқа учинчи шахслар билан ўзаро муносабатларда ҳар қандай шаклдаги ва кўринишдаги коррупцион ҳаракатларга тоқат қилмаслик тамойилига қатъий амал қилади.

Жамиятнинг контрагентлари ва ҳамкорлари жамият қадриятларини ҳурмат қиладилар ҳамда амалдаги қонунчиликка, Ахлоқ кодексининг асосий тамойиллар ва қоидаларига риоя қиладилар, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш заруриятини тўғри англайдилар ва жамият олдида жавобгардирлар.

10.3. Жамият Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари талаблари ва мезонларига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари билан шаффоф, ҳалол ва адолатли тарзда ҳамкорлик қилади.

Шунингдек, жамиятда контрагентлар ва ҳамкорларнинг ишончлилиги, шаънига доғ тушмаганлиги, коррупцияга қарши курашиш доирасида жамиятнинг тамойиллар ва стандартларига мос эканлигини текширувчи амалиётлар қабул қилинган.

Жамият коррупцион ёки бошқа ноқонуний фаолиятга аралашган, ўз ходимларига нисбатан камситишларга йўл қўйган контрагент, ҳамкор ва бошқа учинчи шахслар билан ўзаро ҳамкорликни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Ходимлар учун юқоридаги тамойиллар ва қоидалар қуйидагиларни ифодалайди:

– контрагент, ҳамкор ва бошқа учинчи шахслар билан ўзаро алоқада ҳолислик ва беғаразликни сақлаш, шунингдек, виждонлилик, ҳалоллик, адолат ва ўзаро ҳурмат тамойилларига таяниш, ахлоқ меъёрлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига амал қилиш;

– контрагент, ҳамкор, инвестор, молиялаштирувчи шахсларни танлаш ва текшириш жараёнида жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларини виждонан бажариш;

– жамиятнинг шартнома ишларини юритиш ҳамда шартномаларга жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қоидаларни (коррупцияга

карши эслатмалар ва х.к.) киритиш бўйича ички меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқ виждонан бажариш;

– шартнома шартларига мувофиқ ва қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда жамият номидан ва унинг манфаатлари учун сарфланган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларни учинчи шахсдан олинишини таъминлаш;

– учинчи шахсларни жамиятнинг Ахлоқ кодекси, бизнес юритиш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қоидаларидан хабардор қилиш.

11. Давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва давлатнинг мансабдор шахслари билан ўзаро муносабат

11.1. Жамият давлат органлари, корхоналари ёки муассасалари ҳамда давлатнинг мансабдор шахслари билан ўта шаффоф муносабатларни ўрнатишга интилади, амалдаги қонунчилик меъёрларига риоя қилади, жумладан, давлат харидларини тартибга солувчи ва давлат мансабдор шахсларига ноқонуний таъсир ўтказишни тақиқлайди ҳамда ҳалол ва тўғри йўлни танлайди.

Ходимлар учун юқоридаги тамойиллар ва қоидалар қуйидагиларни ифодалайди:

– давлат органлари, корхоналари ёки муассасалари ва давлатнинг мансабдор шахслари билан ўзаро муносабатда амалдаги қонунлар ва ички меъёрий ҳужжатларнинг қоидаларига қатъий риоя қилиш;

– давлат мансабдор шахсларига, шунингдек, жамиятда текширув-назорат функцияларини амалга оширувчи шахсларга жамият номидан, топширигига кўра ёки манфаатларини кўзлаб ҳар қандай совға, моддий бойликлар ёки бошқа турдаги фойда тақлиф қилиш ва етказишни тақиқлаш.

12. Жамият ходимларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид ахлоқ қоидалари

12.1. Жамият ходимларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг жамият фаолиятига ҳурматини, шу жумладан давлат хизматининг нуфузини оширишга хизмат қилиши керак.

12.2. Жамият ходимларининг ташқи кўриниши меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг жамиятга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, ҳолислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим.

12.3. Жамиятда қатъий кийиниш тартибини жорий этишдан мақсад ўзаро тенглик ва белгиланган тартиб-қоидаларга итоаткорлик ҳиссини уйғотиш, уларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш учун шарт-шароит яратиш, ходимлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини юзага келтиришдан иборат.

Жамиятда кийиниш тартиби қуйидагиларни ифодалайди:

– кийимларнинг ўта тор ёки ўта кенг бичимда, ранг-баранг ва гулли бўлмаслиги;

– ходимлар иш жараёнида классик ёки махсус кийимда бўлиши;

– аёллар кийимининг узунлиги тизадан 5-15 см пастда бўлиши, кўйлакнинг енг қисми 10 см кам бўлмаслиги;

– эркаклар учун шимнинг узунлиги оёқ тўпиғидан пастда бўлиши;

– кийимларнинг тоза ва дазмолланган бўлиши.

Шунингдек, ходимларга иш жараёнида қуйидагилар тавсия этилмайди:

Жамиятда турли миллат вакиллари фаолият олиб боришини ҳисобга олган ҳолда, кийинишда турли дин ва конфессиялар ҳамда ҳар хил субмаданиятларга мансубликни ақс эттирувчи (кипа, кашая, ва бошқалар) элементлардан фойдаланиш;

– эркаклар танасининг очик қисмига татуировка туширган ёки пирсинг қилган, соқол кўйган, сочи 5 сантиметрдан узун бўлган ва ёрқин рангларга бўяган ҳолда келишлари;

– хизмат вазифасини суистеъмол қилган ҳолда иш вақтида спиртли ичимликлар ичиш,

– аёлларнинг танасининг очик қисмига татуировка туширган ёки пирсинг қилган, юзини кўзга ташланадиган даражада макияж қилган, қулоғига биттадан ортик сирга таққан ҳолда келишлари.

Мазкур талаблар жорий этилиши иш вақтидан ташқари бўлган даври ва жамиятда ўтказиладиган турли тадбирлар жараёни бундан мустасно.

12.4. Жамият ходимларининг иш жойида ташқи кўриниши ва кийиниш услубига оид кўшимча талаблар ички меҳнат тартибида белгиланиши ва Ахлоқ комиссияси томонидан мазкур талаблар бажарилиши назоратга олиниши мумкин.

13. Манфаатлар тўқнашуви

13.1. Жамият ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

13.2. Жамиятда манфаатлар тўқнашуви вазиятларидан намуналар ҳамда бундай вазиятларни ошқор қилиш ва тартибга солиш амалиётидан иборат Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати тасдиқланган.

Жамият ходимлари манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида қуйидагиларга амал қилиши лозим:

– манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати билан танишиш ва амал қилиш;

– Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига риоя қилиш;

– манфаатлар тўқнашуви вазиятида жамиятнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

– ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришга тўсиқ бўладиган манфаатлар тўқнашувининг таъсири билан боғлиқ хатти-ҳаракатлардан воз кечиш, бирон-бир шахс, гуруҳ ёки ташкилотларга устуворлик бермаслик, уларнинг таъсиридан холи бўлиш;

– жамият, тизим корхоналари ва бошқа ташкилотларнинг шахслари фаолиятига ноқонуний таъсир ўтказиш учун хизмат мавқеидан фойдаланмаслик;

– манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган (юзага келган) ҳолат ҳақида ўз вақтида бевосита Жамият бошқарув раиси, таркибий бўлинма раҳбарини ёки тегишли бўлинмани хабардор қилиш;

– бевосита Жамият бошқарув раиси, таркибий бўлинма раҳбарини ёки тегишли бўлинмани бошқа ҳар қандай бошқа компания ёки ташкилотлардаги меҳнат фаолияти, бошқарув органларида аъзолик ҳақида хабардор қилиш;

– бевосита Жамият бошқарув раиси, таркибий бўлинма раҳбарини ёки тегишли бўлинмани қўл остидаги ва тизим корхоналаридаги яқин қариндошлари ҳақида хабардор қилиш;

– жамиятнинг Ахлоқ комиссияси раисига ўз хатти-ҳаракатларига шубҳа туғилганда мурожаат қилиш.

13.3. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар, бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришга мажбур.

14. Жамият ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш

14.1. Жамият ходимлари хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, тухмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш жамият раҳбарияти томонидан амалга оширилади.

14.2. Зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

15. Жамиятда ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш

15.1. Жамият ходимларининг мазкур Кодекс қоидаларини бузиши, ходимлар интизомини назорат қилиш, тегишли қоидабузарлик ва низоли вазиятларни кўриб чиқиш мақсадида махсус тузилган Ахлоқ комиссияси томонидан амалдаги қонунчилик талабларига, ушбу Кодексга ҳамда Ахлоқ Кодекси меъёрларига асосан кўриб чиқилади, шунингдек, ходимларга мураккаб ахлоқий вазиятларни ҳал қилиш юзасидан маслаҳат берилади.

Ахлоқ комиссиясига келиб тушаётган масалаларни адолатли ва ҳолисона кўриб чиқади, унинг фаолияти ва қарорлари жамият бошқаруvidан мустақилдир.

15.2. Жамият ходимлари Кадрлар бўлими томонидан мазкур ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.

15.3. Мазкур ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви жамият раҳбарининг кўрсатмасига мувофиқ Ахлоқ комиссияси томонидан ўтказилади.

16. Жамиятда ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик

16.1. Жамият ходимлари эгаллаб турган лавозимидан ёки бошқа омиллардан қатъий назар, ушбу Кодекснинг барча тамойил ва талабларига риоя қилмаганликлари учун шахсан жавобгардирлар.

Жамият раҳбарияти ҳамда унинг таркибий бўлинма бошлиқлари томонидан мазкур Кодекснинг тамойиллар ва талабларига риоя қилинмаганлиги учун ҳам жавобгар бўладилар.

16.2. Жамият ходимлари томонидан ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади.

16.3. Жамият ходимларининг ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

16.4. Жамият ходимлари томонидан ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

16.5. Мазкур Кодекс қоидаларига риоя этмаганлик учун ахлоқ комиссияси томонидан жамият ходимларига қуйидаги жазо чоралари қўлланилади:

огоҳлантириш;

интизомий чоралар;

коллегиал йиғилишларда танбеҳ бериш.

16.6. Ахлоқ комиссияси жамият ходимига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун жамият раисига такдимнома киритиши мумкин.

Ахлоқ комиссияси ахлоқ қоидалари жамият раҳбарияти томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни жамият юқори бошқарув органига юборади.

Жамият ходимларининг ахлоқ қоидаларини бузиши уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

17. Қоидабузарликлар ҳақида маълум қилиш

17.1. Жисмоний ва юридик шахслар жамият ходимлари ҳатти-ҳаракатларининг қонунийлиги ёки ахлоқига шубҳа борлиги ҳақида маълумот бўлса, қуйидаги ахборот каналларидан бирига маълум қилишлари мумкин:

— бевосита Жамият бошқарув раисига;

— ишонч телефон орқали -78-147-06-75;

— электрон почта орқали info@yulqurilish.uz;

— почта орқали - Тошкент ш., Миробод тумани, Нукус кўчаси, 77 уй.

17.2. Жамият рўйхатдан ўтган, белгиланган тартибда келиб тушган барча хабар ва мурожаатларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайди.

17.3. Жамият, хусусан, қоидабузарликлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқишга масъул ходимлар ишончли хабар берган шахсга доир маълумотлар сир сақланишини таъминлайдилар (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

17.4. Жамият ушбу Кодекс қоидаларини жамиятнинг бошқа ходими томонидан бузилиши мумкинлиги ёки унинг шубҳали ахлоқи ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан таъкиб қилиш, ишдан бўшатиш,

лавозимини пасайтириш, камситиш каби ҳолатларга йўл қўйилмаслигини кафолатлайди ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

17.5. Била туриб ёлғон маълумот, ёлғон гувоҳлик бериш ёки тухмат қилиш мазкур Кодекс қоидаларини бузиш ва ахлоқсизлик ҳисобланиб, бундай хабарни берган ходим Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

18. Ходимларга маслаҳат бериш

18.1. Ходимларда мазкур Кодекс билан боғлиқ савол туғилса, бевосита ўз раҳбарига ва/ёки ахлоқ комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

18.2. Ахлоқ комиссияси манзилига юборилган саволларга электрон почта орқали жавоб берилиши мумкин.

19. Ушбу Кодекснинг амал қилиш доираси

19.1. Ахлоқ кодекси меъёрлари жамиятнинг Ижроия органи аъзоларига ва барча ходимларига, шунингдек Кузатув Кенгашининг аъзоларига нисбатан қўлланилади. Жамият ходимлари жамиятнинг ахлоқий меъёрларини бузадиган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

19.2. Мазкур Кодекс доимий амал қиладиган ички меъёрий ҳужжат бўлиб, жамият Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради ва бекор қилингунга ёки янги таҳрири тасдиқлангунга қадар амал қилади.

19.3. Мазкур Кодекс қуйидаги ҳолатларда қайта кўриб чиқилади ва тузатишлар амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарганда;

Жамиятнинг стратегияси ва мақсадлари ўзгарганда;

самарасиз чора-тадбирлар ва амалиётлар аниқланганда ва уларни такомиллаштиришга зарурат пайдо бўлганда;

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ёки фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва ҳ.к.